

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

КАДИРОВА ЗУЛАЙХО АБДУХАЛИМОВНА

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО
МЕҲНАТ БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ**

08.00.09-Жаҳон иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on economic sciences**

Кадилова Зулайхо Абдухалимовна

Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига
интеграциялашуви..... 3

Kadirova Zulaykho Abdukhalimovna

Integration of Uzbekistan into international labor market under globalized
world..... 25

Кадилова Зулайхо Абдухалимовна

Интеграция Узбекистана в международный рынок труда в условиях
глобализации..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ 45

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

КАДИРОВА ЗУЛАЙХО АБДУХАЛИМОВНА

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО
МЕҲНАТ БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ**

08.00.09-Жаҳон иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Iqt45 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (uwed.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Ортиқова Дилором Абдурахимовна**
иқтисодиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Исламов Бахтиёр Анварович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Дилфуза Валиевна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги**

Диссертация ҳимояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc27.06.2017.Tar/Yu/I/S/24.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100192, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54. Тел.: (+998 71) 267-67-69, факс (+998 71) 267-09-00; e-mail: rektorat@uwed.uz).

Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54. Тел.: (+998 71) 267-67-69).

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси)

И.А.Хамедов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ю.ф.д., профессор

Н.А.Нугманов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ю.ф.н., доцент

И.Р.Мавлянов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг турли соҳаларида авж олаётган глобаллашув жараёнлари мамлакатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ортишига, алоҳида фаолият кўрсатаётган бозорларнинг эркинлаштирилишига ва уларнинг умумий жаҳон меҳнат бозорига интеграциялашувининг чуқурлашувига хизмат қилмоқда. Бугунги кунга келиб дунёнинг деярли 200 та мамлакати жаҳон меҳнат бозорининг таркибий қисми бўлмиш халқаро меҳнат бозорида иштирок этмоқда. Халқаро миграция ташкилоти маълумотларига кўра, дунёдаги жами халқаро меҳнат мигрантларининг сони 258 миллион кишига етган бўлиб¹, улар томонидан амалга оширилган 601 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги пул ўтказмаларининг 429 миллиарди ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилган².

Жаҳон амалиётида халқаро меҳнат миграцияси жараёнида юзага келаётган муаммолар мамлакатнинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашувини самарали ташкил этишдек долзарб масалани илмий асосда тадқиқ этишни кун тартибига кўндаланг қилиб қўймоқда. Бу эса, ўз навбатида халқаро ҳамда минтақавий меҳнат бозорларидаги замонавий ҳолатни тадқиқ этиш, унда Ўзбекистоннинг иштирокини таҳлил қилиш, мазкур масалада жаҳон тажрибасига мурожаат қилиш ва мамлакатимизнинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашувининг истиқболдаги долзарб вазифаларини аниқлаш асосида ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсатини такомиллаштиришга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ҳамда назарий хулосаларни ишлаб чиқиш заруратини асослаб беради.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилган иқтисодий ислохотлар жараёнида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилиб, ишлаб чиқариш жараёнига энг замонавий техника ва технологиялар кириб келди ҳамда иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ўсиши таъминланди. Бу эса, ўз навбатида аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш борасида катта имкониятлар яратсада, ушбу вазифа ечими кун тартибидаги долзарб масала бўлиб қолмоқда. Чунончи, «Юртимизда йилига 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлса-да, ўтган йили Бандликка кўмаклашиш марказлари атиги 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштирган»³. Республикада аҳолини иш билан таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида янги иш ўринларини ташкил этиш билан биргаликда меҳнат миграцияси билан боғлиқ жараёнларни тартибга солишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда ва натижада интеграциялашган глобал иқтисодий маконнинг узвий бир қисмига айланган Ўзбекистоннинг ҳам халқаро меҳнат бозоридаги ўрни тобора ортиб бормоқда. Мамлакатнинг халқаро меҳнат бозоридаги фаол иштироки бозор иқтисодиётининг муҳим талабларидан бири ҳисоблансада,

¹International migration report 2017.UN. N.Y. 2017. P.4.

²Migration and remittances factbook 2016.World bank group.P.14.

³Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қондаси бўлиши керак// Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги. www.uza.uz

бирок бу жараёнларда иштирок этиш мобайнида ижобий натижалар билан бир қаторда, айрим салбий ҳолатлар ва муаммолар (одам савдоси, ноқонуний меҳнат миграцияси ва бошқалар) ҳам юзага келмоқда. Бундай муаммолар мамлакатнинг халқаро меҳнат бозоридаги фаол иштирокига жиддий тўсик сифатида ташқи меҳнат миграциясининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини ошириш ўрнига, унинг салбий оқибатларини ортишига олиб келиши табиий.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2885-сонли “Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида икки томонлама стратегик ҳамкорлик ва шерикчилик муносабатларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3001-сонли “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2017 йил 21 декабрдаги “Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкилий асосда қабул қилиш ва жалб этиш тўғрисида”ги ҳукуматлараро Битим ва мазкур соҳага тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро меҳнат бозорининг моҳияти, унинг назарий ва услубий асослари, шунингдек халқаро меҳнат бозорининг шаклланиш омиллари, фаолияти ва ривожланиш тенденциялари билан боғлиқ масалаларга мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг илмий ишларида катта эътибор қаратилган.

Халқаро меҳнат бозори ва ундаги меҳнат миграцияси жараёнларининг назарий масалалари хорижлик олимлар Э.Равенштейн, Карр-Саундерс, А.Сови, Ж.Боржас, Дж.Саймон, В.Бёнинг, Д.Массей, Хеин де Хаас, Кристофер С.Уайт каби хорижлик олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган⁴.

Шунингдек, МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари Э.Плетнев, Р.Цвылев, А.Жирицкий, Л.Рыбаковский, В.Ионцевлар тадқиқотларида халқаро

⁴ Ravenstein E.G. The laws of migration // Journal of Statistical Society of London. Vol. 48, № 2. London., (June 1885). P.167-235.; Carr-Saunders A. M. World Population: Past Growth and Present Trends. London, 1936. Бу ҳақида: Reviewed Work: World Population: Past Growth and Present Trends// The American Economic Review. Vol. 27, No. 2 (Jun., 1937).; Sovy A. General theory of the population. Moscow, 1977. P.168,344. Бу ҳақида: Ионцев В.А. Международная миграция населения: Закономерности, проблемы, перспективы. М., 1999. С. 126.; Borjas G. Immigration and the American Worker//A Review of the Academic Literature. April. 2013.; Simon J. The Economic Consequences of Immigration into the United States. US. 1999.; Massey D., Arango J., Hugo G., Kouaouci A., Pellegrino A., and Taylor J.E. Theories of International Migration: A Review and Appraisal." Population and Development Review 19:431-66. USA., 1993.; Hein de Haas. Migration and development. University of Oxford. 2008; Martin Ph. The recession and migration: alternative scenarios. University of California. Davis. 2009.; Koser Kh. The impact of financial crisis on international migration. Lessons Learned. IOM series. #37. Geneva., 2009.; White C. Cristopher. The relationship between the international migration and regional integration. US., 2011.

меҳнат бозорининг назарий-услубий асослари, С.Рязанцев, А.Каменский, Е.Гаврилов, К.Джамангулов, К.Литвиненко, Д.Сердюков, И.Ивахнюк, Е.Гаврилов, Н.Гузъ, О.Баженоваларнинг илмий ишларида МДХ мамлакатларида меҳнат миграцияси жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, унинг сабаблари ва омиллари ҳамда истиқболлари тадқиқ этилган⁵.

Ўзбекистонлик олимларнинг тадқиқотларида халқаро меҳнат бозори ва унда ташқи меҳнат миграциясининг ривожланиши, мамлакатдаги меҳнат миграцияси жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари ва мазкур масаланинг айрим жиҳатлари ўрганилган. Хусусан, Ўзбекистонда халқаро меҳнат миграциясининг шаклланиш ва ривожланиш омиллари, унинг демографик жараёнлар билан боғлиқлиги ҳамда мазкур жараённинг истиқболлари Л.Максакова, меҳнат миграцияси илмий концепцияларининг эволюцияси, унинг меҳнат бозори ва иқтисодиётнинг ривожланишидаги аҳамияти, МДХ мамлакатларидаги, хусусан Ўзбекистондаги меҳнат миграциясининг ўзига хос хусусиятлари Д.Расулова, Ўзбекистонда меҳнат миграцияси ривожланишининг замонавий тенденциялари, унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва у билан боғлиқ муаммолар ҳамда меҳнат мигрантларининг пенсия таъминоти каби масалалар Б.Умурзаков ва Ш.Исакулов, аҳоли миграцияси, унинг этник таркибидаги ўзгаришлар, меҳнат миграцияси жараёнларининг ҳудудий хусусиятлари Р.Убайдуллаева, О.Ата-Мирзаев ва Д.Джунайдуллаевларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган⁶ ҳолда, Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашуви, унинг

⁵Плетнев Э.П. Международная миграция рабочей силы в капиталистической системе мирового хозяйства. М., 1962.; Мировой рынок труда: новая реальность для России и СНГ / Цвылев Р. И., Рыдванов Н. Ф., Жирицкий А. К.; Отв. ред. Цвылев Р. И. М., Наука. 1994.; Рыбаковский О.Л. Миграция населения между регионами: совершенствование методологии анализа. М., 2009.; Ионцев В.А. Международная миграция населения: Закономерности, проблемы, перспективы. Док.дисс.М., 1999.; Рязанцев С.В. Миграционные процессы в Европе и их социально-экономические последствия: Вопросы теории и методики исследования. М., 2002.; Каменский А.Н. Международная трудовая миграция и участие в ней России. Док.дисс. М., 2002.; Гаврилов Е.В. Трудовая миграция из стран СНГ в Россию: социально-экономические последствия и регулирование. Канд. дисс. М., 2008.; Гузъ А. Трудовая миграция в Россию из стран Центральной Азии: состояние и пути развития. Канд.дисс. М., 2008.; Литвиненко К.А. Трудовая миграция в странах СНГ и подходы к ее регулированию. Канд.дисс. М., 2007.; Сердюков Д.Г. Социально-демографические аспекты трудовой миграции в Россию из стран Средней Азии. Канд.дисс. М., 2011.; Ивахнюк И.В. Формирование и функционирование евразийской миграционной системы. Док.дисс. М., 2008. Баженова О.В. Мировой рынок труда в условиях глобализации. Канд. дисс.М., 2005.

⁶Максакова Л.П. Узбекистан в системе международных миграций. Постсоветские трансформации: отражение в миграциях / Под ред. Зайончковской Ж.А. и Витковской Г.С. -М.: ИТ "АдамантЪ". 2009. Максакова Л.П. Экспорт рабочей силы из Узбекистана / Центр миграционных исследований 2004-2010 — <http://migrocentr.ru/publ/trudm/07.php>; Расулова Д.В. Ищчи кучи миграцияси ривожланишининг назарий асослари. Монография.Т., 2010.; Умурзаков Б. Организационно-правовые основы регулирования трудовой миграции в Узбекистане. халқаро муносабатлар.Т., 2008. №2. С.52-59.; Умурзаков Б., Ирназаров Ф. Доступ трудовых мигрантов из Узбекистана, работающих в России, к пенсионной накопительной системе/ Доступ трудовых мигрантов из Кыргызстана, Таджикистана и Узбекистана, работающих в Российской Федерации, к пенсионной накопительной системе. Бишкек. 2011. С.29-37.; Исакулов Ш. Социальная защита прав трудовых мигрантов Республики Узбекистан и российской Федерации// Вестник ПАГС.М., 2009. С.192-196.; Исакулов Ш. Диверсификация направлений миграционных потоков//Халқаро муносабатлар.Т., 2013. №1. С.32-36.; Убайдуллаева Р.А. Анализ факторов толерантности узбекистанского общества. Социол. исслед. М., 2013. №3. С.20-28; Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. Т., 2009.; Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Т., 2011. Джунайдуллаев Д. Ўзбекистон минтакаларида аҳоли миграцияси ва уни тартибга солишни такомиллаштириш. Т., 2012.

замонавий йўналишлари, интеграциялашувнинг хориж тажрибаси асосидаги қиёсий таҳлили ва мамлакатда ташқи меҳнат миграциясини тартибга солишни такомиллаштириш масалалари уларда ўз ечимини топмаган.

Мазкур масала юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотлар таҳлили Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашув жараёнининг комплекс тарзда, сўнгги йигирма беш йиллик даврдаги яхлит манзараси, ривожланиш тенденцияларини босқичма босқич ва атрофлича таҳлил этиш заруратини келтириб чиқаради. Шу боис, мазкур диссертация иши доирасида муаммога янгича илмий ёндашув талаб этилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат шарқшунослик институтининг ФМ-8-сон «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва либераллаштириш шароитида ижтимоий меҳнат муносабатларини такомиллаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикасининг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашув жараёнлари ва истиқболлари бўйича илмий, услубий ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

жаҳон, халқаро, минтақавий ва миллий меҳнат бозорлари, уларнинг шаклланиш омиллари ва ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг турлича илмий қарашлари, уларнинг назарий-услубий ёндашувларини таҳлил қилиш асосида мазкур масалалар бўйича замонавий тушунча ва таърифларни ҳамда янги хулосаларни шакллантириш;

халқаро меҳнат бозоридаги глобаллашув тенденциялари ҳамда уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

халқаро меҳнат бозорига интеграциялашув борасидаги хорижий давлатлар (Туркия Республикаси, Филиппин, Марокаш Қироллиги) тажрибасини ўрганиш ҳамда уларнинг ижобий натижаларини Ўзбекистонда қўллаш имкониятларини таҳлил қилиш ва асослаш;

республиканинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашув жараёнининг меъёрий-ҳуқуқий асослари ҳамда унинг МДҲ ва узоқ хориж мамлакатларига ишчи кучи экспорти жараёнини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг ижтимоий ва иқтисодий аҳволини социологик тадқиқотлар натижалари таҳлиliga таянган ҳолда аниқлаш ва унинг асосида мамлакатнинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашувини баҳолаш;

истиқболда мамлакатнинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашувини тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида халқаро меҳнат бозори ва унда Ўзбекистоннинг иштироки масаласи танланган.

Тадқиқотнинг предметини глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашувида ташқи меҳнат миграциясини амалга ошириш жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, анкета-сўровнома орқали кузатиш, иқтисодий-статистик таҳлиллار, монографик таҳлил, статистик маълумотларни гуруҳлаш, танланма кузатиш, шунингдек, муаммоларга мантикий ёндашиш, уларни тизимли ва қиёсий таҳлил қилиш, эконометрик таҳлил ва прогнозлаш усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

халқаро меҳнат бозорига интеграциялашув жараёни натижаларининг иқтисодий самарадорлигига эришиш учун меҳнат мигрантларининг мамлакатга кириб келаётган пул ўтказмаларини инвестиция шаклида уй-жой кредитларига йўналтириш, реэмиграция жараёнларини рағбатлантириш механизми такомиллаштирилган;

хорижда фаолият кўрсатаётган ўзбекистонлик мигрантларнинг меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимояси ва тиббий суғурталаш механизмини такомиллаштириш йўналишлари ишлаб чиқилган;

ташқи меҳнат миграциясининг узоқ муддатли стратегияда мамлакатдаги иқтисодий ўсиш ва ишсизлик муаммосини ҳал қилишга етарли туртки бера олмаслиги, аксинча, хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларини яратиш каби чора-тадбирлар миллий иқтисодиёт тараққиётини рағбатлантириши асосланган;

Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашувини такомиллаштиришда альтернатив меҳнат бозорлари билан ҳамкорлик қилиш йўналишлари ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

Диссертацияда хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар ҳамда халқаро миқёсдаги статистик манбаларни тадқиқ этиш асосида жаҳон, халқаро ва минтақавий меҳнат бозорлари таҳлил қилинган ва мазкур бозорларнинг бугунги ҳолати ўзаро узвий боғлиқликда ёритиб берилган;

Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашувини такомиллаштиришнинг стратегик вазифаларидан бири сифатида Ташқи меҳнат миграцияси миллий Концепциясини ишлаб чиқиш ва меҳнат миграцияси тўғрисидаги Қонунни қабул қилиш зарурати асосланган;

Ўзбекистонда ташқи меҳнат миграциясини тартибга солишга йўналтирилган меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Корея Республикаси ва Россия Федерацияси билан меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳукуматлараро келишувлар ва уларнинг амалиётга татбиқини ўрганиш асосида бу борада эришилган асосий натижалар, муаммолар ва долзарб масалалар аниқланган ва мазкур масалалар ечимига оид тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

халқаро меҳнат бозорида ишчи кучи экспортёри сифатида фаол иштирок этиб келаётган хорижий мамлакатлар (Туркия Республикаси, Филиппин,

Марокаш Қироллиги)нинг ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш механизми ва уларнинг амалий натижалари таҳлил қилинган. Шу асосда Ўзбекистонда мазкур жараёнлар самарадорлигини оширишга йўналтирилган янги усуллар, хусусан меҳнат мигрантлари учун улардан келадиган пул ўтказмалари эвазига уй-жойни кредитлаш шарти билан сотиб олиш механизми ишлаб чиқилган ва АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» фаолияти амалиётига татбиқ этилган;

ташқи меҳнат миграциясини ривожлантириш борасида яқин истиқболдаги чора-тадбирлар комплексини белгилашга йўналтирилган, хусусан ушбу жараённинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, мазкур фаолият билан шуғулланувчи мутассади ташкилотлар фаолиятини кенгайтириш ва аниқ йўналтириш, халқаро меҳнат бозорига интеграциялашув йўналишларини диверсификация қилиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилаётган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, монографик таҳлиллар ва статистик маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, 500 та социологик сўровномаларнинг анкета шакллари асосланганлиги, берилган таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашуви илк бор сўнгги йигирма беш йиллик даврий чегарада, босқичма-босқич, умумжаҳон тенденциялари ва тажрибаси билан узвий боғлиқликда динамик ўзгаришлар, сабаб, оқибат ва таъсир этувчи омиллар боғлиқлигида атрофлича ва комплекс тадқиқ этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ва олинган хулосалар давлат бошқарув органлари, хусусан, аҳолининг иш билан бандлиги ва ташқи меҳнат миграцияси билан боғлиқ ташкилотлар, жумладан, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги фаолиятини такомиллаштириш ҳамда халқаро меҳнат миграциясининг самарадорлигини ошириш ва мазкур жараённинг салбий оқибатларини олдини олиш имконини беради. Диссертация материалларидан олий таълим муассасалари бакалаврлари ва магистрлари учун «Иқтисодий назария», «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси», «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар», «Ўрганилаётган мамлакатларда демографик жараёнлар ва меҳнат бозори» ва «Демография» каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлаш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашуви тадқиқоти бўйича олинган натижалар асосида:

тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган Корея Республикасида меҳнат фаолиятини юритиш истагида бўлган фуқароларга мазкур мамлакатга

бориш ва меҳнат қилиш тартиблари ва талаблари, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, меҳнат миграциясини қонуний шаклда амалга ошириш афзалликлари, Корея Республикаси қонунчилигида меҳнат мигрантлари учун белгиланган ҳуқуқий меъёрлар акс эттирилган махсус услубий қўлланма «Одам савдосига қарши курашиш бўйича Идоралараро комиссия» томонидан тасдиқланган «Хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда одам савдосига қарши курашишнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтиришга қаратилган «Одам савдоси – давр муаммоси» тарғибот лойиҳасини амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги (ТММА)нинг 2015-2016 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлари режасининг «Аҳолини одам савдосининг салбий омиллари тўғрисидаги хабардорлигини ошириш» банди ижросини таъминлашда қўлланилган ва амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Вазирлигининг ТММАнинг 2016 йил 13 декабрдаги А105-3894-сон маълумотномаси). Ушбу услубий қўлланманинг ишлаб чиқиши аҳоли бандлигини таъминлаш самарадорлигининг ошишига, аҳолининг меҳнат миграцияси ҳақидаги билим ва тасаввурларининг кенгайишига, мигрантларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда имкониятларини тўғри ва аниқ англаб етишига, меҳнат миграцияси жараёнида аҳолининг қонуний равишда иштирок этиш истагини оширишга, ноқонуний меҳнат миграцияси муаммосини олдини олишга ва меҳнат мигрантларининг хориждаги шарт-шароитларга ижтимоий мослашувларини енгиллаштиришга хизмат қилган;

меҳнат мигрантлари орасида олиб борилган социологик тадқиқотлар натижалари таҳлилига асосланган хулосалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 мартдаги “Республикада маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 07/2-141 сонли қарорининг «Хорижда ишлашни истаётган шахсларнинг оилавий шароити, чиқиш сабабларини ўрганиш бўйича социологик сўровларни ўтказиш учун махсус дастур ишлаб чиқиш» банди ижросини таъминлашга хизмат қилган (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Вазирлигининг ТММАнинг 2016 йил 13 декабрдаги А105-3894-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар ва хулосалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Вазирлигининг ТММАнинг меҳнат мигрантларининг меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимояси ва тиббий суғурталаш билан боғлиқ механизмини такомиллаштиришда ўз самарасини берган;

халқаро меҳнат бозорига интеграциялашув бўйича хорижий тажрибанинг қиёсий (Туркия Республикаси, Филиппин ва Марокаш Қироллиги мамлакатлари) таҳлили асосида аниқланган илмий хулосалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Вазирлигининг ТММА орқали чет элларга ишга юборилаётган фуқароларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш механизмини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Вазирлигининг ТММАнинг 2016 йил 13 декабрдаги А105-3894-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф мамлакатда олиб

борилаётган миграция сиёсатининг шаффофлигини таъминлашга, меҳнат миграциясининг салбий оқибатларини юмшатишга хизмат қилган;

Ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг пул ўтказмаларидан самарали фойдаланиш ва реэмиграция жараёнларини рағбатлантириш бўйича берилган таклиф ва тавсиялар асосида АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»да «Халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомга пул маблағларини жўнатиш ва олиш чегараларини ўрнатиш ҳамда уларни мақсадли ишлатилишига доир қисмига, яъни «Чет элдан юборилган пул маблағларидан фойдаланиш» бўйича бандларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган (АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг 2016 йил 15 ноябрдаги 03/24-09-9260 сон маълумотномаси). Ушбу механизм меҳнат мигрантларининг пул ўтказмаларини Ўзбекистон банк тизимида қонуний ва шаффоф тарзда киритилишига, банк тизимида валюта тушумлари салмоғининг ортишига, фуқаро маблағларининг кафолатли сақланишига, узоқ муддатли даромадлар келтирувчи манбаларни шакллантиришга ва реэмиграция жараёнларини рағбатлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 13 та илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш, шу жумладан иккита монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган журналларда 13 та илмий мақола, жумладан 11 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўррта боб, 11 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг умумий ҳажми 162 бетдан иборат.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Халқаро меҳнат бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини ўрганишнинг назарий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотлар ҳамда статистик маълумотлар таҳлили асосида жаҳон, халқаро ҳамда минтақавий меҳнат бозорларининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва тенденциялари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларга глобаллашув жараёнларининг таъсири очиб берилган.

«Жаҳон меҳнат бозори»нинг шаклланиши ва ривожланиши ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, унга бир томондан, минтақавий меҳнат бозорларининг шаклланиши, иккинчи томондан эса, турли мамлакатлардаги меҳнат мигрантлари иштирок этадиган жаҳон меҳнат бозорининг алоҳида сегментларининг юзага келиши асос яратади. Жаҳон меҳнат бозори миллий ёки минтақавий меҳнат бозорлари мажмуаси бўлибгина қолмай, у ишлаб чиқаришнинг интернационаллашув жараёнларининг жадаллашувини ҳамда халқаро муносабатлар ривожланиши шароитида янги ва сифатли ишчи кучи бозорининг шаклланишини намоён этади. Бугунги кунда кенг қўлланилаётган «глобал меҳнат бозори» тушунчаси айнан жаҳон меҳнат бозорининг глобаллашув шароитидаги фаолиятини англатади.

«Халқаро меҳнат бозори» ўз таркибида минтақавий ва миллий меҳнат бозорларини бирлаштирувчи ҳамда сифатли ва арзон меҳнат ресурслари рақобатлашадиган катта бир тузилмадир. Халқаро меҳнат бозори меҳнат ресурсларининг халқаро ҳаракатини англатиш билан бир пайтда уларнинг интеграциясини ҳам намоён этади ва жаҳон меҳнат бозори билан узвий боғлиқликда фаолият кўрсатади. Халқаро Миграция Ташкилотининг прогнозларига кўра, 2050 йилга келиб халқаро мигрантларнинг умумий сони 230 млн кишини ташкил этиши керак эди⁷. Аммо халқаро мигрантлар сонининг бундай катта ҳажмга эга бўлиши 2013 йилга келибқ юз берди ва улар дунё аҳолисининг 3,2%ини ташкил қила бошлади (1-расм).



1-расм. Жами халқаро мигрантлар сони, млн киши⁸

«Минтақавий меҳнат бозорлари»нинг шаклланишида айтиб бериш керак, географик ҳудудда жойлашган мамлакатларнинг тарихан шаклланган ижтимоий-иқтисодий мезонлари ва манфаатларининг яқинлиги ёки умумийлиги муҳим роль ўйнайди. Минтақавий меҳнат бозорлари халқаро ва жаҳон меҳнат бозорларининг компонентлари бўлиб, улар жаҳон меҳнат бозорининг шаклланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Минтақавий меҳнат бозорлари унга аъзо бўлган мамлакатлар меҳнат ресурсларини ҳеч бир тўсиқларсиз эркин ҳаракатланиши учун имконият беради. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, минтақавий меҳнат бозорларидаги


⁷Рязанцев В.С., Ткаченко М.Ф. Мировой рынок труда и международная миграция. Учеб.пособие. М.: 2010. С.132.

⁸Манба:International migration report 2017.UN. N.Y.2017. P.9.

интеграция жараёнлари халқаро меҳнат бозорига нисбатан анча жадал ва осон кечади.

Меҳнат миграцияси шаклланган дастлабки даврда у “вақтинчалик ижтимоий ҳолат” шаклида намоён бўлиб, иқтисодий омиллар туфайли юзага келган бўлса, глобаллашув шароитида ишчи кучи миграцияси унда иштирок этаётган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ва таркибий ўзгаришларига таъсир қилувчи муҳим омилга айланди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, глобаллашув шароитида халқаро меҳнат миграцияси жараёнлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, унда қуйидаги тенденциялар аҳамият касб этмоқда⁹:

1. Халқаро меҳнат миграциясининг кўлами ва географияси тобора кенгайиб бормоқда (2-расм);
2. Халқаро мигрантлар таркибида вақтинчалик мигрантлар сони ортиб, уларнинг малакавий ва жинсий таркиби ўзгариб бормоқда;
3. Ноқонуний миграция оқимлари ортиб, халқаро меҳнат миграциясининг икки томонлама оқибатлари (салбий ва ижобий) кучайиб бормоқда.



2-расм. Халқаро мигрантларнинг мамлакатлар бўйича тақсимооти, млн киши¹⁰

Умуман олганда эса, глобаллашув жараёнлари кишиларнинг дунё мамлакатлари бўйлаб ҳаракатланиши учун тобора янги ва кенг имкониятларни яратар экан, бундай шароитда меҳнат миграцияси жараёнларининг мисли кўрилмаган даражада жадаллашиши ва халқаро меҳнат бозорининг борган сари кенгайиши кузатилмоқда.


Диссертациянинг «**Хорижий мамлакатларнинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашувининг қиёсий таҳлили**» номли иккинчи бобида халқаро меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинган. Мазкур бобда ишчи кучи экспорти бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси, хусусан, Туркия Республикаси, Филиппин ва Марокаш Қироллиги мисолида ўрганилган бўлиб, ушбу мамлакатларда меҳнат миграцияси жараёнларининг тартибга солиш

⁹Алешковский И.А., Ионцев В.А. Тенденции международной миграции в глобализирующемся мире // Век глобализации. №2. 2008. С.77

¹⁰Манба:International Migration Report 2017.UN. N.Y.2017. P.25.

механизми ҳамда меҳнат миграциясининг мамлакат иқтисодий тараққиётига таъсири таҳлил қилинган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, Туркия Республикасида 1960-1980 йилларда Европа мамлакатларига жадал йўналтирилган ишчи кучи экспорти бўйича тажрибаси малака ва кўникмага эга бўлган меҳнат мигрантларининг Европа Иттифоқида қолиб кетиши билан яқунланди. Шу боис 1980 йиллардан бошлаб ушбу мамлакатда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш сиёсати амалга оширила бошланди ва натижада меҳнат мигрантларининг сони анча қисқарди. Шу тариқа мазкур мамлакатнинг ишчи кучи экспорти ва хорижий пул ўтказмаларига боғлиқлигига барҳам берилди. Мамлакатда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар туфайли Туркияда қайта ишлаш саноати ривожланиб, озиқ-овқат маҳсулотлари, автомобиль ва узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол маҳсулотларининг экспорт ҳажми ортди. Мамлакатда қулай инвестиция иқлимининг шаклланиши шароитида туризм соҳасига инвестициялар кириб келиши кенгайди, банк тизими ривожланди, транспорт тизими модернизациялашди ва 1990 йилларга келиб Туркия учун халқаро хизматлар бозорида ҳам рақобатлашиш имкониятлари туғилди. Бу имкониятлар эса мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётида тутган мавқеъининг ортишига олиб келди. Ўз навбатида бундай шарт шароитлар янги иш ўринларининг яратилишига имконият берди ва ишсизлик муаммосини юмшатишга олиб келди. Шу тариқа Туркия Республикаси ишчи кучи экспортёридан ишчи кучи импортёрига айланди.

Ишчи кучи экспорти ва хориждан кириб келаётган пул ўтказмаларининг ҳажми бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллаб турган Филиппин бу борада энг оқилона сиёсат олиб бораётган мамлакат сифатида эътироф этилади. Ушбу мамлакат Жануби-Шарқий Осиёдаги бошқа мамлакатлардан фарқли равишда меҳнат миграциясини йўлга қўйишда меҳнат мигрантлари ҳамда уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратади. Қарийб ўн иккита мамлакат билан миграция соҳасида келишувларни имзолаган Филиппин тажрибасининг кўрсатишича, мазкур соҳада олиб борилган сиёсат мамлакатда хорижий валюта заҳираларининг кўпайишига, тўлов балансининг ижобий томонга ўзгаришига, пул ўтказмаларини қабул қилувчи оилалар томонидан кичик корхоналарнинг ташкил этилишига ва таълим олиш учун шартнома тўловларини амалга оширилишига, қайтиб келаётган меҳнат мигрантларининг билим ва кўникмаларининг ортишига, уй-жой қурилиши инвестициялари ҳажмининг кенгайишига ҳамда ички туризмнинг жонланишига туртки бўлган. Бироқ, иқтисодий таҳлилларнинг кўрсатишича, Филиппинда ишчи кучи экспорти стратегияси узоқ муддатда мамлакат иқтисодиётининг қўшни мамлакатларга нисбатан ривожланиб кетишига хизмат қила олмади ва у қатор макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича ортга қола бошлади. Хусусан, мамлакатдан катта миқдорда ишчи кучи экспорт қилинишига қарамай, у ердаги ишсизлик даражаси қўшни мамлакатларга нисбатан юқорилигича сақланиб қолмоқда (3-расм).




3-расм. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида 2017 йилдаги ишсизлик даражаси (%)¹¹

Ушбу мамлакатда маҳаллий ишлаб чиқаришни етарли даражада қўллаб-қувватланмаётганлиги, солиқ ставкаларининг ортиб бориши, ялпи ички маҳсулот таркибида импорт ҳажмининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Диссертацияда ишлаб чиқилган математик моделларнинг кўрсатишича, меҳнат мигрантларининг шахсий пул ўтказмалари иқтисодий ўсишга ёки ишсизлик муаммосини ҳал этишга таъсири кучсиз бўлмоқда. Шу тариқа Филиппинда ишчи кучи экспорти бўйича амалга оширилаётган сиёсат қанчалик самарали бўлмасин, унинг натижалари мамлакатдаги ички иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда асосий омил бўлиб хизмат қила олмайди, деган ҳулосага келиш мумкин.

Глобаллашув шароитида жаҳон меҳнат бозорининг фаол иштирокчиларидан бирига айланган Марокаш Қироллиги халқаро меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш борасида катта тажрибага эга бўлган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Марокаш Европага катта миқдордаги ишчи кучини етказиб бериш ва Африка минтақасида энг кўп хорижий пул ўтказмаларини қабул қилиш бўйича етакчи мамлакат деб тан олинади. Унинг географик жойлашуви ва тарихий алоқалари мамлакатдаги ишчи кучи экспортини ривожланишига ёрдам бериши ва хорижда мамлакат аҳолисининг 10%га тенг миқдорда бўлган Марокаш диаспорасини шакллантирди. Кейинги йилларда эса, Марокашдан чиқиб кетаётган меҳнат мигрантлари сони қисқариб, эндиликда Испаниядан Марокашга меҳнат миграцияси бошлаганлиги кузатилди. Бу ҳолат мамлакатда иқтисодий ҳолатнинг яхшиланганидан далолат беради. Бироқ, тадқиқотларнинг кўрсатишича, меҳнат миграцияси жараёнлари Марокашнинг ривожланаётган мамлакат сифатида иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг ортишига, шунингдек, мамлакатдаги узоқ муддатли тараққиёт масалаларини ҳал қилишига етарли даражада таъсир қила олмаган(4-расм).

¹¹ Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган



4-расм. Марокаш, Франция ва Испанияда 1960 йилга нисбатан жон бошига ЯИМнинг ўсиши (мартта)¹²


Таҳлил натижаларига кўра, маҳаллий меҳнат ресурслари нисбатан кам бўлган Франция ва Испаниянинг макроиктисодий кўрсаткичлари катта миқдордаги меҳнат ресурсларига эга бўлган Марокашнинг макроиктисодий кўрсаткичларига нисбатан анча юқори бўлганлиги бунинг яққол далилидир

Диссертациянинг «Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашув жараёнларининг таҳлили» номли учинчи бобида Ўзбекистонда меҳнат миграцияси жараёнларининг шаклланиши ва ривожланиши, унинг асосий йўналишлари ва меъёрий-ҳуқуқий базаси таҳлил қилинган. Тадқиқотларнинг кўрсатишча, Ўзбекистонда бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш ҳамда бозор иқтисодиётини шакллантириш даврида, собиқ тузумдан мерос бўлиб қолган ижтимоий иқтисодий муаммолар туфайли миллий меҳнат бозорида ишсизликнинг ортиши, умумий бандлик ва иқтисодий фаоллик даражасининг қисқариши, ишчи кучига, айниқса паст малакали ишчи кучига бўлган умумий талабнинг қисқариши, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги таркибий мувозанатнинг бузилиши каби ҳолатлар туфайли мамлакатда ички ва ташқи меҳнат миграцияси жараёнлари юзага келди.

Дастлабки ўн йилликда асосан ўз ватанига қайтиб кетиш иштиёқидаги руслар, белоруслар, украинлар ва татарлар каби (руслар 45-48%, татарлар 16-17%, украинлар 5-6%, еврейлар 5-9%, немислар 2-3% ва ўзбеклар 7-8%)¹³ этник гуруҳларнинг ўз ватанларига эмиграцияси шаклида намоён бўлган миграция жараёнлари, 2000 йилларга келиб даромад топиш иштиёқидаги ўзбекларни ҳам ўз ичига олган меҳнат миграциясига айланди ва Россия Федерацияси Ўзбекистоннинг бу соҳадаги дастлабки ҳамкорлари каторидан ўрин олди (5-расм).

¹²Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

¹³Максакова Л., Мамадалиева Х. Ўзбекистан: современные демографические тенденции. // Демоскоп Weekly. № 617-618. 3-6 ноября. 2014. С.14.



5-расм. Ўзбекистон Республикасидан Россия Федерацияси томон соф миграция сальдоси, киши (1997-2016 йиллар)¹⁴

Шу даврда, Россия Федерациясидан мамлакатга кириб келувчи мигрантларга қатъий чекловларнинг мавжуд эмаслиги, аксарият МДХ мамлакатлари каби ўзбекистонликлар учун ҳам кириш визаларининг талаб қилинмаслиги ва аҳолининг катта қисми рус тилида сўзлаша олиши ҳамда уларда бу ўлка ҳақида тарихий тушунча ва тасаввурларнинг мавжудлиги Ўзбекистондан Россияга эмиграция қилувчи меҳнат мигрантлари сонининг ортишига имконият яратди. Ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари Россияда асосан енгил санот ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритадилар. Хусусан, уларнинг 45,2%и қурилиш соҳасида, 12,9%и савдо соҳасида, 8,6%и қайта ишлаш саноатида ва 8,2%и қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатади¹⁵.


2017 йил 21 декабрда “Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкилий асосда қабул қилиш ва жалб этиш тўғрисида”ги ҳукуматлараро Битимнинг кучга кириши мигрантлар сони, мутахассислиги ва уларни қабул қилувчи минтақани реал эҳтиёжга мос ҳолда аниқлаш ҳамда Россиянинг ваколатли органлари томонидан меҳнат мигрантларига энг кам иш ҳақи талабларига риоя этиш, муносиб турмуш шароитларини яратиш, тиббий ва ижтимоий суғурта, хусусан пенсия билан таъминлаш бўйича ҳуқуқий кафолатланган тартибни жорий қилиш бўйича иккитомонлама ҳамкорлик қилиш имкониятини яратди. Россия ИИВ маълумотларига кўра, мамлакатда фаолият юритаётган ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг сони тахминан 1 миллион кишига етган бўлиб, улар мамлакатдаги жами мигрантларнинг 10%ини ташкил қилган. Шунингдек, 2017 йилда Россияда жами расмийлаштирилган меҳнат қилиш патентларининг ярмидан кўпи ўзбекистонликлар учун расмийлаштирилган бўлиб, уларнинг сони 800 мингга етган. 2017 йилда ТММА томонидан 922 нафар Ўзбекистон фуқароси ташкилий равишда Россияга ишлаш учун юборилган бўлиб, 2018 йилда бу кўрсаткични 50 мингга етказиш режалаштирилмоқда¹⁶.

¹⁴Манба: Федерал миграция хизмат маълумотлари www.fms.gov

¹⁵Зайончковская Ж.А. Миграция населения из стран Центральной Азии. Трудовая миграция в Республике Узбекистан: Социальные, правовые и гендерные аспекты. Т.2008. стр 33.

¹⁶ ТММА ахборот хизмати

